

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zkomunenergosoziash" AJ

Объявление

"O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

[«O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» AKSIYADORLIK JAMIYATI! КРЕДИТОРЛАР ВА АКЦИЯДОРЛАРГА ХАБАРНОМА!](#)

«O'zkomunenergosoziash» Aksiyadorlik jamiyati!

Кредиторлар ва акциядорларга

ХАБАРНОМА!

«O'zkomunenergosoziash» AJ (кейинги ўринда-Жамият) акциядорларининг 2022 йил 21 майдаги йиллик умумий йиғилиши қарорига асосан, Жамият ташкилий ҳуқуқий шаклини Акциядорлик жамиятидан (АЖ) масъулияти чекланган жамиятига (МЧЖ) ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини маълум қиламиз.

Кредиторлар Жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни мазкур эълон чиққан кундан бошлаб ўттиз кун ичида Жамиятни ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақлидирлар.

«O'zkomunenergosoziash» Aksiyadorlik jamiyati!

«O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» Акциядорлик жамияти акцияларини «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги улушга айирбошлаш ТАРТИБИ

(Жамият акциядорларининг 2022 йил 21 майдаги умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган)

«O'zkomunenergosoziash» **Акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш натижасида унинг акцияларини «O'zkomunenergosoziash» Масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги улушга айирбошлашнинг ушбу тартиби** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. «O'zkomunenergosoziash» AJ (кейинги ўринда - Жамият) устав капитали миқдори 110 000 000 (бир юз ўн миллион) сўми ташкил қилади ва номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 110 000 (бир юз ўн минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.

2. «O'zkomunenergosoziash» **Акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш натижасида унинг акциялари янги тузилаётган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖ устав капиталидаги улушга қуйидаги тартибда айирбошланади:**

а) Жамиятнинг номинал киймати 1000 (бир минг) сўм бўлган, хужжатсиз шаклдаги оддий эгасининг номи ёзилган 1 (бир) дона акцияси, мос равишда «O'zkomunenergosoziash» MChJ устав капиталидаги улушга номинал қиймати бўйича 1:1 нисбатда айирбошланади. Масалан: «O'zkomunenergosoziash» AJнинг 1 дона акцияси эгаси, айирбошлаш натижасида «O'zkomunenergosoziash» MChJ устав капиталида 1000 сўмлик улушга эга булади.

б) Жамият акцияларини янги тузилган «O'zkomunenergosoziash» MChJ устав капиталидаги **улушга** айирбошлаш, Марказий депозитарий томонидан «O'zkomunenergosoziash» MChJ таъсисчилар умумий йиғилиши (конференцияси) ўтказилишидан уч кун олдинги санага шакллантирилган акциядорлар реестрига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, жамиятнинг чиқиб кетаётган (жамият ҳисоб-китобларни амалга оширган) акциядорлари акциялари «O'zkomunenergosoziash» MChJ улушга айирбошланмайди.

3. «O'zkomunenergosoziash» MChJ устав капитали унинг таъсисчилари (иштирокчилари) акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4. «O'zkomunenergosoziash» MChJ таъсисчиларининг (иштирокчиларнинг) улушлари ва номинал қиймати **таъсисчилар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган** «O'zkomunenergosoziash» MChJнинг **таъсис хужжатларида қайд этилади ва тегишли тарзда давлат рўйхатидан ўтказилигандан сўнг**, «O'zkomunenergosoziash» MChJ томонидан таъсисчиларга бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

5. **Айирбошлаш** тугалланган сана «O'zkomunenergosoziash» MChJ давлат рўйхатидан ўтказилган сана ҳисоблананди.

6. «O'zkomunenergosoziash» AJ**акцияларини «O'zkomunenergosoziash» MЧЖ устав капиталидаги иштирокчилари улушга** айирбошлаш тартибини амалга ошириш Жамият ижроия органига юкатилади. Консултация олиш ва тегишли хужжатлар лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун Жамият консалтинг ёки юридик ташкилотни жалб қилиши мумкин.

«O'zkomunenergosoziash» Aksiyadorlik jamiyati!

«O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛИЙ ХУҚУҚИЙ ШАКЛИНИ МАСЪУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИГА ЎЗГАРТИРИШ (ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ) ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

(Жамият **акциядорларинг 2022 йил 21 майдаги умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган**)

«O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» Акциядорлик жамиятини(кейинги ўринларда -Жамият) ташкилий хуқуқий шаклини ўзгартириш йули билан «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» Масъулияти чекланган жамияти шаклида қайта ташкил этишнинг ушбу тартиби ва шартлари (кейинги ўринда-Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик Кодекси, "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" Қонун ва бошқа норматив хуқуқий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.Жамиятни МЧЖ шаклида қайта ташкил этишга тайергарлик

1.1.Жамият кузатув кенгаши, жамиятни ташкилий хуқуқий шаклини МЧЖга ўзгартириш ва ўзгартириш тартиби ва шартлари ҳақидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

1.2. Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 40-41 моддасида белгиланган тартиб ва муддатда хабардор қилади.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши, қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

2.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

2.2. Жамиятни қайта ташкил этиш бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, жумладан жамият қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек овоз бериш яқунлари бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг веб сайтыда, Корпоратив ахборотлар ягона порталида (КАЯП), Биржа иқтисодий газетасида ва uzse.uz сайтыда эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

3. Жамият мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилиш ва кредиторларни хабардор қилиш

3.1. Жамиятнинг ижроия органи, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг 10 иш куни ичида, Жамият мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилади, кредиторлари рўйхатини тузади, ўтказиш далолатномасини тайерлайди ва кузатув кенгашига тақдим этади.

3.2. Жамиятнинг ижроия органи, жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай, қарор тўғрисида жамиятнинг барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади ва оммавий ахборот воситаларида мос равишда эълон қилади. Бунда, жамият кредиторлари хабарнома олинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида ёки қабул қилинган қарор тўғрисида хабар эълон қилинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан олдин тугатиш ёки бажарилишини ва кўрган зарарларининг ўрнини қоплаишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

3.3. Кредиторларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 52 - моддасида назарда тутилган кафолатлар берилади, шу жумладан Жамиятнинг кредиторлари жамият қарздор бўлган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ёки тугатилишини, ёки Жамият, унинг иштирокчилари ёки учинчи шахслар тегишли мажбуриятларнинг бажариш ва зарарни қоплаш учун етарли кафолат билан таъминланмаган тақдирда, судда талаб қилишга ҳақлидирлар. Талаблар кредиторлар томонидан Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай берилиши мумкин. Кредиторлар талаблари Жамиятни қайта ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг тўхтатилишига олиб келмайди.

3.4. Қайта ташкил этиш жараёни вақтида (қарор қабул қилинган пайтдан ва қайта ташкил этиш тугагунга қадар) Жамият томонидан битим тузишнинг махсус тартиби кўзда тутилади, яъни:

а) кредиторлик қарзининг пайдо бўлишига ва қайта ташкил этиш тўғрисида хабардор қилинмаган кредиторларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган операцияларни амалга оширмаслик;

б) асосий воситаларнинг таркиби ва қийматининг пасайишига олиб келадиган битимлар тузмаслик.

4.Жамият ташкилий ҳуқуқий шаклини АЖ дан МЧЖга ўзгартириш юзасидан акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш тартиби

4.1. Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинишида жамият акциядорларга “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 40-41 моддаларида белгиланган ҳуқуқлар тақдим этилади. Яъни, акциядорлар, “Жамиятни қайта ташкил этиш” тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

4.2. Бунда, акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2022 йил 17 май ҳолатига тузилади;

4.3. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш акцияларнинг бозор қиймати бўйича нақдсиз пул ўтказиш йўли билан (миллий валютада) амалга оширилади. Жамият акциялари “Тошкент” Республикаси фонд биржасида белгиланган котировка [нархи бўйича ҳар бир акцияси учун 5 150 сўм 93 тийиндан](#) сотиб олинади.

4.4. Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши учун акциядорлар:

а) акциядорнинг яшаш манзили (жойлашган жойи), депо хисоб варағидан кўчирма (ёки нусхаси), сотиб олиниши талаб қилинаётган акциялар сони ва акцияларни тўлаш учун маблағлар ўтказилиши лозим бўлган банк реквизитларини кўрсатган ҳолда жамиятга ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида ёзма талаб (ариза) юбориши;

б) паспорт билан шахсан келиши ёки акцияларни қайтариб олиш шартномасини тузиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома билан ваколатли вакилни жамиятга юбориши;

с) юридик шахс мақомига эга бўлган жамият акциядорлари билан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш учун ушбу юридик шахс раҳбари ёки ваколатли вакили иштирок этиши лозим бўлади.

4.5. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг, Жамият, қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олади.

4.6. Жамиятнинг ўз акцияларини сотиб олиши бўйича тузиладиган шартномалар (битимлар), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади ва акциядорларга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачилари томонидан рўхатдан ўтказилади. Инвестиция воситачилари хизмати хақи Жамият томонидан тўланади.

4.7. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси чекланмаган.

4.8. Жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар қонунчиликда ўрнатилган тартибда бекор қилинади.

5.Қайта тузилган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари)

5.1. Жамиятнинг юридик ва жисмоний шахс акциядорлари, Жамиятни қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) бўлишлари мумкин.

5.2. Янги тузилаётган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) сафига кириш учун акциядорлар:

а) акциядорнинг яшаш манзили (жойлашган жойи), паспорт ёки шахс гувоҳномаси нусхаси (жисмоний шахслар учун) ва ўзига тегишли акциялар сонини кўрсатган ҳолда Жамиятга ёзма ариза юбориши;

б) «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари умумий йиғилишида (конференциясида) иштирок этиши, МЧЖ таъсис ҳужжатларини маъқуллаши ҳамда имзолаши лозим бўлади.

5.3. Акциядорларнинг янги тузилаётган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) сафига кириш тўғрисидаги ёзма аризалари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак.

5.4. Қўйидаги шахслар (жамият акциядорлари) янги тузилаётган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) бўла олмайдилар:

а) акциядорлар умумий йиғилишида “Жамиятни қайта ташкил этиш” тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган ёки умумий йиғилишда иштирок этмаган ва ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммасини жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилган;

б) «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари умумий йиғилиши (конференцияси) кунига қадар ўз акцияларини ҳаммасини сотиб юборган ёки бошқача йўл билан бегоналаштирган;

в) янги тузилаётган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) сафига кириш учун белгиланган муддатда ариза бермаган;

г) «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсис йиғилишида (конференциясида) иштирок этмаган, МЧЖ таъсис ҳужжатларини маъқулламаган ва имзоламаган.

5.5. Жамият кузатув кенгаши, «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсис йиғилишида (конференциясида) иштирок этиш учун таъсисчилар (иштирокчилар) рўйхатини тузади. Бунда, қайта тузилаётган МЧЖ таъсисчилари (иштирокчилари) сафига кираётган жамият акциядорларининг акцияларини ушбу [МЧЖ улушига айрибошлашни амалга ошириш учун ушбу йиғилиш ўтказилишидан уч кун олдинги санага Марказий депозитарийдан акциядорлар реестри олинади.](#)

5.6. Янги тузилаётган «O'zkomunenergosoziash» МЧЖ иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим. Агар «O'zkomunenergosoziash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) рўйхатини тузиш санасига МЧЖ таъсисчилари таркибига кираётган иштирокчиларининг сони 50 нафардан ошиб кетган бўлса, жамиятни қайта ташкил этиш амалга ошмаган деб топилади ва Жамият ўз фаолиятини акциядорлик жамияти сифатида давом эттириши шарт бўлади.

6.«O'zkomunenergsozlash» Масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари умумий йиғилиши (конференцияси) ўтказишга тайергарлик кўриш.

6.1.Жамиятнинг ижроия органи барча кредиторлар ва қарздорларга нисбатан мажбуриятларни топшириш, мол - мулк, пул маблағлари ва барча ҳужжатларни, шу жумладан бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини «O'zkomunenergsozlash» акциядорлик жамиятидан «O'zkomunenergsozlash» Масъулияти чекланган жамиятига (кейинги ўринларда - «O'zkomunenergsozlash» МЧЖ) ўтказиш далолатномасини тузади ва кузатув кенгашига дастлабки кўриб чиқиш учун киритади.

6.2.Жамият ижроия органи «O'zkomunenergsozlash» МЧЖ таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тайёрлайди ва кузатув кенгашига дастлабки кўриб чиқиши учун киритади. Таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун консалтинг ёки юридик ташкилот жалб қилиниши мумкин.

6.3.Акциядорларнинг талабига биноан жамият томонидан акцияларни сотиб олиш муддати тугагандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида жамият кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилади ва унда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- 1)Жамият қайта ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларини кўриб чиқиш;
- 2)«O'zkomunenergsozlash» МЧЖ таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш;
- 3)Жамият ўтказиш далолатномасини кўриб чиқиш;

4)Қайта тузилаётган «O'zkomunenergsozlash» МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) рўйхатини тузиш;

5)Жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари рўхатини тузиш ва улар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

6)Янги тузилаётган «O'zkomunenergsozlash» МЧЖ таъсисчилари (иштирокчилари) сафига кираётган жамият акциядорларининг акцияларини мазкур МЧЖ устав капиталидаги улушига айрибошлаш учун тузиладиган реестр санасини белгилаш;

7)Жамият акцияларини “Тошкент” РФБ листингидан чиқариш;

8)Жамият барча акциялари чиқарилувини ягона давлат реестридан чиқариш;

9)«O'zkomunenergsozlash» Масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари умумий йиғилиши (конференцияси) ўтказиш санаси, вақти, жойи ва кун тартибини белгилаш;

10)«O'zkomunenergsozlash» МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилиши (конференцияси) ўтказиш тўғрисида иштирокчиларни хабардор қилиш тартибини белгилаш;

11)«O'zkomunenergsozlash» МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилиши иштирокчиларини руйхатдан ўтказиш комиссиясини тузиш.

7.Жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари билан ҳисоб-китоблар амалга ошириш тартиби.

7.1.Мазкур Тартибнинг 5.4. бандида келтирилган шахслар (жамиятнинг акциядорлари) жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари деб ҳисобланади.

7.2. Жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари билан ҳисоб-китоблар акцияларнинг “Тошкент” Республикаси фонд биржасида белгиланган котировка нархи (бозор қиймати) бўйича (5 150 сўм 93 тийин) миллий валютада амалга оширилади.

7.3. Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши талаб қилган акциядорлар билан ҳисоб-китоблар ушбу Тартибнинг 4.1-4.8 бандларида келтирилган тартибда амалга оширилади.

7.4. Акциядорлар умумий йиғилишида “Жамиятни қайта ташкил этиш” тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган ёки умумий йиғилишда иштирок этмаган, шунингдек, Тартибнинг 5.4. банди в)-г) қисмларида келтирилган жамият акциядорлари билан ҳисоб-китоблар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, пул маблағларини нотариуснинг махсус банк ҳисоб рақамига депозитга топшириш йўли билан амалга оширилади.

7.5. Жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорларига тегишли пул суммалари нотариуснинг махсус банк ҳисоб рақамига депозитга топширилганлиги тўғрисида хабарнома жамиятнинг веб сайтыда ва “Биржа” иқтисодий газетасида эълон қилинади.

7.6. Жамият қайта ташкил этилиши муносабати билан жамият томонидан сотиб олинган ва/ёки ҳисоб-китоб қилинган акциялар бекор қилинади.

8.«O'zkomunenergsozlash» MChJ таъсисчилари умумий йиғилишини (конференциясини) ўтказиш.

8.1. «O'zkomunenergsozlash» MChJ таъсисчилари умумий йиғилиши (конференцияси) ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома жамиятнинг веб сайтыда, Корпоратив ахборотлар ягона порталида (КАЯП) ва “Биржа” иқтисодий газетасида эълон қилинади. Бунда, таъсисчилар умумий йиғилиши, жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари билан ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан кейин ўтказилиши лозим.

8.2. Таъсисчилар умумий йиғилишида, «O'zkomunenergsozlash» MChJни таъсис этиш, унинг иштирокчилари таркиби, устав фонди миқдори ва таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш, ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш, жамият ижроия органини тузиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

8.3. «O'zkomunenergsozlash» MChJ устав фонди (устав капитали) фақат унинг таъсисчилари (иштирокчилари) акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

8.4. «O'zkomunenergsozlash» AJ «O'zkomunenergsozlash» MChJга айлантирилганда акциядорлик жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам топшириш далолатномасига мувофиқ янги ташкил этилган «O'zkomunenergsozlash» MChJга ўтади.

8.5. «O'zkomunenergsozlash» MChJ устав фонди (устав капитали) фақат унинг таъсисчилари (иштирокчилари) акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

9. «O'zkomunenergsozlash» MChJни давлат рўйхатидан ўтказиш

9.1. Жамият номидан қайта ташкил этиш жараёни бўйича ҳужжатларни тайёрлаш, имзолаш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли давлат органига тақдим этиш жамият ижро органи зиммасига юклатилади.

9.2. Қайта ташкил этиш йўли билан тузилган «O'zkomunenergsozlash» MChJни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.3. Жамият «O'zkomunenergosoziash» MChJ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

9.4. Қайта ташкил этиш тугалланган сана «O'zkomunenergosoziash» MChJ давлат рўйхатидан ўтказилган сана ҳисоблананди.

9.5. Жамият қайта ташкил этилганлиги тўғрисида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида, ушбу ҳақида ўрнатилган тартибда Жамият рўйхатдан ўтган туман солиқ органига ёзма равишда хабардор қилиниши лозим.

10. «O'zkomunenergosoziash» AJ акциялари чиқарилувини ягона давлат реестридан (кейинги ўринда -ЯДР) чиқариш.

10.1. Жамият ижроия органи «O'zkomunenergosoziash» AJ акциялари чиқарилувини ЯДРдан чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига биноан ҳужжатларни тайёрлайди ва рўйхатдан ўтказувчи давлат органига тақдим қилади. Ҳужжатлар тайерлаш учун қимматли қоғозлар бозорида хизмат кўрсатувчи консалтинг ташкилоти жалб қилиниши мумкин.

10.2. Жамият акциялари чиқарилувини ЯДРдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Яқуний қоидалар

11.1. Жараённинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари:

а) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1,49-52,102,107,354,364-моддалари;

б) Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 40-41,59,92,97 -моддалари;

в) Ўзбекистон Республикаси "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" ги қонунининг 7-14 моддалари;

г) Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 74-моддаси;

д) Адлия вазирлигининг 2019 йил 04 январда 3113 -сонли "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида" Йўриқномаси 24 параграф, 177-191 бандлари;

е) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июндаги 1484-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган БХМСнинг 23 - сонли "Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш" қоидаси

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.02.2017 йилдаги 66 - сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низоми 2-3 боблари, 27 банди;

з) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 30.08.2009 йил. №2000-сон билан рўйхатга олинган "Қимматли қоғозлар чиқарилиши ва қимматли қоғозлар эмиссияларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари" нинг 100- 103 бандлари.

«O'zkomunenergosoziash» Aksiyadorlik jamiyati!

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар!

Умумий йиғилиши ўтказилган сана – **2022 йил 21 май**

Умумий йиғилиши ўтказилган манзил - **Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 130а- уй.**

Акциядорлар умумий йиғилиши тури – **навбатдаги, йиллик**

Умумий йиғилиши кворуми - **53.47 фоиз (58 814 дона овоз берувчи акция қатнашди)**

КУН ТАРТИБИ	ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР	ОВОЗ БЕРИШ ЯКУНЛАРИ		
		Рози	Норози	Бетараф
1. О'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ акциядорлари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;	“O'zkommunenergosoziash” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: - асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача; - қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 10 дақиқагача; - овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 30 дақиқа.	58 814 та овоз (100%)	йўқ	йўқ
2. «О'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;	“O'zkommunenergosoziash” АЖ санок комиссияси таркиби бир йил муддатга қуйидаги таркибда тасдиқлансин: - Умурзоқов Жаҳонгир Махаматқул ўғли; - Хасанова Лола Бахрамовна; - Розиков Музаффар Мирзохид ўғли.	58 814 та овоз (100%)	йўқ	йўқ
3. «О'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;	“O'zkommunenergosoziash” АЖ 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи 1-иловага асосан тасдиқлансин.	58 814 та овоз (100%)	йўқ	йўқ
4. «О'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш;	Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот ўрнида қабул қилинсин.	58 814 та овоз (100%)	йўқ	йўқ
5. «О'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ Бош директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш;	Жамият бош директори Иванова С.В. билан тузилган шартнома муддати 1 йил муддатга узайтирилсин.	58 814 та овоз (100%)	йўқ	йўқ

	Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган 190 206,15 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:			
6.	а) Соф фойданинг 5 фоизи – 9510,3 минг сўм жамият захира фондига юборилсин;	58 814		
«O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH»	б) Соф фойданинг 95 фоизи – 180 695,84 минг сўм аввалги йиллардаги зарарни қоплаш учун жамият тасарруфида қолдирилсин.	та	йўқ	йўқ
AJнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш;		овоз		
		(100%)		
	Жамиятнинг 2022 йил молия – хўжалик фаолияти якунларини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун "REAL AUDIT INVEST" МЧЖ аудиторлик ташкilotи танлансин ва унга тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚС билан ҳисоблаганда 5 150 000 сўм этиб белгилансин.			
7.	«O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH»	58 814		
AJ 2022 йил учун аудиторлик ташкilotини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;		та	йўқ	йўқ
		овоз		
		(100%)		

- Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидаги шахслар уч йил муддатга сайлансин:

	1. Ходжаев Фаррух Рахимджанович – (Паспорт АА 1075346, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани ИИБ томонидан 19.03.2013 йилда берилган), “Kapital-Depozit” МЧЖ директори.			
	2. Арифджанов Сирожиддин Эркинович (ID-Card AD 0681950, 28.09.2021 йилда берилган), “TASHKENT REALTOR SERVICE” МЧЖ бош директор ўринбосари.			
	3. Мирзатуллаев Хожиакбар Мурод ўғли – (Паспорт АА 9140969, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани ИИБ томонидан 26.03.2015 йилда берилган), “Kapital-Depozit” МЧЖда корпоратив маслахатчи.	58 814	та	йўқ
8. «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;		та	овоз	йўқ
	4. Искандаров Бобур Шухратжонович – (Паспорт АА 1640798, Тошкент вилояти, Қибрай тумани ИИБ томонидан 31.05.2013 йилда берилган), "Mehanizatsiya servis" МЧЖ директори.			
	5. Мусахонов Шохрух Рахимжон ўғли - (Паспорт АА 3667798, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани ИИБ томонидан 19.12.2013 йилда берилган), «Узэлтехсаноат» Уюшмаси хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими бош мутахасиси.			
9. «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ тафтиш комиссияси фаолиятини бекор қилиш; Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни бекор қилиш;	Жамият Тафтиш комиссияси фаолияти тугатилсин ҳамда “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги” ички низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.	58 814	та	йўқ
		та	овоз	йўқ
		(100%)		
10. «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали янги тахририни тасдиқлаш;	Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	58 814	та	йўқ
		та	овоз	йўқ
		(100%)		

<p>11. Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги ички низомларига ўзгартириш киритиш орқали янги тахририни тасдиқлаш;</p>	<ul style="list-style-type: none"> Жамиятнинг қуйидаги ички копроратив низомлари 3-5 иловаларга мувофиқ янги тахрирда тасдиқлансин: “O'zkomunenergosoziash” AJ “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “O'zkomunenergosoziash” AJ Кузатув кенгаши тўғрисидаги, “O'zkomunenergosoziash” AJ Ижроия органи тўғрисидаги низом. 	<p>58 814 та овоз (100%)</p>	<p>йўқ</p>	<p>йўқ</p>
<p>12. «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» AJ ташкилий ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш;</p>	<p>“O'zkomunenergosoziash” AJ ташкилий ҳуқуқий шакли Акциядорлик жамияти шаклидан Маъсулияти чекланган жамиятига ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилсин. Жамиятнинг тулиқ фирма номи: “O'zkomunenergosoziash” Mas'uliyati cheklangan jamiyati Жамиятнинг қисқартирилган номи: “O'zkomunenergosoziash” MChJ Жамият манзили: Тошкент шаҳри</p>	<p>58 814 та овоз (100%)</p>	<p>йўқ</p>	<p>йўқ</p>
<p>13. «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» AJ ташкилий ҳуқуқий шаклини МЧЖга ўзгартириш тартиби ва шартларини тасдиқлаш;</p>	<p>Жамиятни ташкилий ҳуқуқий шаклини АЖдан МЧЖга ўзгартириш тартиби ва шартлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	<p>58 814 та овоз (100%)</p>	<p>йўқ</p>	<p>йўқ</p>
<p>14. «O'ZKOMMUNENERGOSOZLASH» AJ акцияларини қайта ташкил этиладиган МЧЖ улушига алмаштириш тартибини тасдиқлаш.</p>	<ul style="list-style-type: none"> «O'zkomunenergosoziash» AJ акцияларини « O'zkomunenergosoziash» MChJ устав капиталидаги улушга айирбошлаш тартиби 7- иловага мувофиқ тасдиқлансин. 	<p>58 814 та овоз (100%)</p>	<p>йўқ</p>	<p>йўқ</p>

22.05.2022

Источник: <https://openinfo.uz/announce/13423/>

Дата: 05.04.2026